# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 11 сентябрь, № 179 (5853) Чоршанба


# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 10 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.**



Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк закоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари ва тараққиётидан далолат беради. Си Цзиньпин Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Икки давлат раҳбарлари Амир Темур мақбараси ва Регистон мажмуини бориб кўрдилар.

Хитой раҳбари Шарқ меъморчилигининг ноёб обидаларидан бўлган Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди. Самарқандда азалдан ҳунармандлик, савдо-сотиқ ривожланган. Қўли гул усталаримиз тайёрлаган маҳсулотлар Буюк Ипак йўли орқали бутун дунёга, жумладан, Чин заминига ҳам етиб борган. Хитойнинг турли мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш ва маданиятини янада бойитишда Самарқанд муҳим роль ўйнаган.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

— Жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, қадимий осориатиқаларни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, — деди Си Цзиньпин. — Қатъий ишонаманки, Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бундан кейин ҳам юксак ютуқ ва марраларга эришаверади.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Кўксарой қароргоҳида ўтган музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, саноат, минерал ресурсларни ўзлаштириш, энергетика, транспорт ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича ҳукуматлараро, вазирлик ва идоралараро ўзаро манфаатли кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шу билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди. Хитой раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 2013 йил 12-13 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ДУНЁ НИГОҲИ

*Мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Асрухин "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида юртимизнинг истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлари ҳамда Ўзбекистон — Индонезия ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг истиқболлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.*

## Индонезия элчиси Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти хусусида

— Мустақилликка эришгач, республика ўз тараққиёт йўлини танлаб олгани ҳолда, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритди, — деди дипломат. — Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборининг доимий равишда ортиб боришида сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим ўрин тутади. Сиёсий ҳаётнинг либераллашуви, мамлакат раҳбарияти томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳам очиқ демократик давлат қуришдек олижаноб мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

М. Асрухиннинг сўзларига қараганда, истиқлолнинг илк йилларидаёқ танлаб олинган ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг "ўзбек модели" дея номланган миллий тараққиёт йўли глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ўзининг асослилигини яна бир бор тасдиқлади. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ўсишнинг изчил суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни намоён этмоқдаки, улар хорижий сармояларни жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, валюта захиралари ҳажмини орттириш, барқарор молия-банк тизимларини яратиш, саноатнинг янги ва юқори технологияга асосланган тармоқларини ривожлантиришдаги муҳим омиллардан саналади.

Индонезия элчиси юртимизда аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш бўйича "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга ҳам юқори баҳо берди.

**(Давоми 2-бетда).**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

*"Туркистон" саройида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III Республика форуми ўтказилди.*

## Баркамол авлод — юрт келажаги

Мавсум якунлари ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган тадбирда тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева ва бошқалар томонидан таъкидланганидек, юртимизда Болаларни дам олдириш ҳамда соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг ташкил этилиши, ижтимоий шериклик асосида, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти уйғунлигини таъминлади. Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларга хос бўлмаган тажрибаси, яъни болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлаш борасида давлат ҳамда ННТнинг ҳамкорлиги бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу йилги мавсум муваффақиятли ўтказилгани ана шу ҳамкорлик самарасидир. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Зеро, ушбу ҳужжат асосида оромгоҳларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. 19 оромгоҳ капитал таъмирлангани, 13 таси реконструкция қилингани ҳамда 4 та янги оромгоҳ барпо этилгани мисолида буни кўриш мумкин.

Умуман олганда, жорий мавсум мамлакатимиз бўйича 1058 та болалар оромгоҳида 293 минг 866 нафар бола соғломлаштирилди. Бу мақсадлар учун жами 34,3 миллиард сўм йўналтирилди. Оромгоҳлар фаолиятини намунали ташкил этиш мақсадида 30 мингга яқин малакали педагоглар, тўгарак раҳбарлари, спорт йўриқчилари, тиббиёт ва ички ишлар ходимлари, маҳалла посбони, бошқа жамоат тузилмалари етакчилари жалб қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

**(Давоми 3-бетда).**

## Юксак билим ва тажриба мактаби

*Маҳалланинг ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар сифатида камолга етказиш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги аҳамияти жуда юқори. Шу боис истиқлол йилларида асрлар давомида ноёб бошқарув тизими сифатида шаклланган маҳалла нуфузини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш, уларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маҳаллаларни комплекс ривожлантириш йўналишидаги ишларни ўрганиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган бу йилги танловнинг республика босқичи пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида юқори савияда ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллалардан 600 нафардан зиёд фаоллар қатнашди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида биринчи ўринни қўлга киритган 14 та фуқаролар йиғини жамоалари якуний босқичда ўзаро баҳс олиб борди.

— "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг нуфузи ҳамда маҳаллалар ҳаётидаги ўрни ва таъсири йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Буни "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган бу йилги танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг фаол қатнашгани ҳам тасдиқлайди. Муҳими, танлов жараёнида иштирокчи маҳаллалар тажрибалари ўрганилди ва кенг оммалаштирилди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Низомда белгиланган мезонлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан қатнашчиларнинг иш юритиш ҳужжатлари ва фаолиятига оид кўрсаткичлари, эришган ютуқлари қонунийлик, ошкоралик, адолат ҳамда тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Айни чоғда уларнинг ўз ҳудудларида қонун ҳужжатлари ва "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича олиб бораётган ишлари ўрганилди. Айниқса, фуқаролар йиғинларида кейинги 2 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган ютуқлар ва кўрсаткичлар ҳакамлар ҳайъати ҳамда тадбир иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

Танловнинг республика босқичида ҳам шу жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилди. Айни чоғда фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик комиссиялари ҳамда "Ота-оналар университетлари" фаолиятига оид ижобий тажрибалари таҳлил қилиб чиқилди. Уларнинг соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва фуқаролар йиғинлари фаоллари кундалик иш фаолиятида учрайдиган саволларга берган жавоблари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг ижросига бағишланган идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти, тармоқ раҳбарлари ва масъул ходимлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, адлия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлари, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари раислари, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосарлари, шунингдек, уларнинг ҳудудий тармоқлари раҳбарлари иштирок этдилар.

**(Давоми 2-бетда).**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг олти ойида мамлакатимизда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан**

**11,4 фоиз ўсди.**

Иқтисодиётимиз тармоқларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш ва экспортчиларни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ана шундай юқори кўрсаткич қўлга киритилди.

# Юксак билим ва тажриба мактаби



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Якунда барча шартлар бўйича юқори натижаларни қўлга киритган жамоалар аниқланди. Биринчи ўринни Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги "Аҳил" маҳалла фуқаролар йиғини қўлга киритди. Кейинги ўринлар Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги "Нурсух" қишлоқ ҳамда Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги "Қўртқи" маҳалла фуқаролар йиғинларига насиб этди. Уларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг дипломлари ва фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбирда фаол қатнашган фуқаролар йиғинлари ҳам турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

— Ушбу танлов биз учун юксак маҳорат мактаби вазифасини ўтади, десак, муболаға бўлмайди, — дейди танлов ғолиби бўлган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдухолиқ Ваҳобов. — Негаки, бу ерда нафақат ўз билим ва тажрибамизни ўртоқлашдик. Айни чоғда маҳаллаларнинг ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашиш борасидаги иш тажрибасини ўргандик. Қолаверса, "обод турмуш" ва "мустаҳкам оила" ғояларининг ҳаётимиздаги амалий ифодасини қарор топтириш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда ижтимоий шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашдик. Ишонаманки, буларнинг барчаси келгуси фаолиятимизда, албатта, асқотади.

— Энг намунали маҳаллалар қаторида ушбу нуфузли танловда иштирок этишнинг ўзи катта ютуқ, — дейди Жиззах туманидаги "Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пардабой Бекмуродов. — Чунки танлов юртимизда амалга оширилаётган яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтириш, халқимизнинг бой тарихи, маънавий меросини, ҳудудларнинг ўзига хос қадрият ва анъаналарини, намунали оилаларнинг ибратли ҳаёт тажрибасини оммалаштиришда муҳим ўринга эга. Агар ўз фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, яқинда йиғин ҳудудидаги Учтепа массивида маҳалла гузари бунёд этилди. Унинг таркибидан фуқаролар йиғини идораси, болалар спорт комплекси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. Биз ҳам илғор маҳаллалар тажрибасини теран ўрганиб чиқдик. Бу эса, шубҳасиз, келгусида фаолиятимизни янада кучайтиришга хизмат қилади.

— Бугунги кунда маҳалла миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб этиш, ҳудудни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасидаги устувор вазифаларни рўёбга чиқаришда асосий куч сифатида ўзини ҳар томонлама намоён қилмоқда, — дейди Уйчи туманидаги "Янгичек" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбари Умиджон Султанов. — Буни бизнинг йиғин мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 156 киши иш билан таъминланди. Ҳозир ёшларимизнинг аксарияти маҳалладаги 20 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларида меҳнат қилаётир. Ҳудуддаги ўзгариш ва янгиланишларга жавобан аҳоли фаоллиги ортиб бораётгани эътиборлидир. Биргина мисол. Жорий йил бошидан буён ҳашар йўли билан 12 километр узунликдаги йўлга асфальт ётқизилди ва 200 метр масофага ичимлик суви қувурлари тортиб келинди. Ушбу ишлар ҳамда амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида кейинги йилларда ҳудудда ҳуқуқбузарликлар умуман қайд этилмади.

— Маҳалланинг нуфузи ва халқимиз ҳаётида тутган ўрни тобора ошиб бормоқда, — дейди Амударё туманидаги "Қиличбой" овул фуқаролар йиғини раиси Баҳром Қодиров. — Бугун маҳалла ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ўзини намоён қилмоқда. Буни танловда қатнашган намунали фуқаролар йиғинлари, хусусан, ўзимизнинг маҳалла фаолияти мисолида ҳам айтиш мумкин. Беш минг нафардан зиёд киши истиқомат қилаётган йиғинимизда ушбу масалалар доимий эътиборда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги пайтда оилаларнинг 40 га яқини оилавий тадбиркорлик, 4 таси касаначилик, 22 таси ҳунармандчилик ва 3 таси фермерлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Ана шу ютуқларимиз танловда ҳам эътироф қилинди. Муҳими, бу ердан катта билим ва тажриба орттирган ҳолда қайтаяпмиз. Буларнинг барчасини иш фаолиятимизга татбиқ этамиз.

Танлов доирасида иштирокчи маҳаллаларнинг иш фаолиятларига оид фотоальбомлар, плакат ва стендлар ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотларидан таркиб топган кўргазма намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Икромов ва Э. Боситхонова иштирок этди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2013»

*Тошкент вилоятида "Фонд Форум", "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.*

# Истеъдод, имконият, рағбат

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур танловнинг иқтидорли ўғил-қизларни кашф қилиш, уларга ўз салоҳиятини намоён этишларига кўмаклашиш ва эзгу мақсадлар сари руҳлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида бу йил танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони қарийб 9 минг нафарни ташкил қилди. Саралаш босқичларида 1 минг 100 га яқин иқтидорли ёшлар ўн беш йўналиш бўйича ўзаро куч синашдилар. Пировардида улар орасида ғолиб деб топилган 42 нафар иқтидор эгаси якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тошкент давлат аграр университетида ўтказилган маросимда ғолибларга "Келажак овози" танловининг махсус дипломлари, вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Ахборот технологиялари йўналишидаги изланишларим мазкур ижодий кўрик орқали қўллаб-қувватланаётганидан хурсандман, — дейди танлов ғолибларидан бири, Чирчиқ шаҳар саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Равшан Толибжонов. — Тақдим этган лойиҳам "Dars.uz" веб-сайтини жорий қилиш ва ундан фойдаланишга қаратилгандир. Бу ёшлар учун мўлжалланган таълим портали бўлиб, юртимизда таълим олиш сифати ва самарадорлигини яхшилаш, мазкур жараёнда ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни назарда тутади.

Тадбирда бир қатор истеъдодли ёшларнинг тасвирий санъат, архитектура ва дизайн, модельерлик йўналишларидаги ижод намуналаридан ташкил топган кўргазмалари намойиш этилди.

---

*Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида ҳам "Келажак овози — 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.*

Бу йил вилоятда беш мингга яқин йигит-қиз ушбу нуфузли танловда иштирок этиб, 45 нафар иқтидор эгаси вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Навоий кончилик коллежи талабаси Азимжон Абдужалилов ана шундай истеъдодли ёшлардан бири. У танловнинг рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар йўналишида ғолиб бўлди.

— Техникага жуда қизиқаман, — дейди А. Абдужалилов. — Танловда ўзим ихтиро қилган микропроцессорли бошқариш лойиҳаси билан қатнашдим. Бу кашфиётим жуда қулай, ихчам ва арзон бўлиб, шаҳар кўчаларидаги светофорлар иш тизимининг узлуксизлигини таъминлайди. Ҳатто электр энергиясида узилиш бўлса ҳам, қурилма ёрдамида светофорлар ишлаб тураверади.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими доирасида "Карьера куни" деб номланган бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

# Индонезия элчиси Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, унинг таъкидлашича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги аҳамиятини оширишга қаратилган давлат сиёсати юқори натижаларни олиб келмоқда. "Бу мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмида кичик ва хусусий корхоналар улушининг ортишида намоён бўлаётир", деди Муҳаммад Асрухин.

Элчи Марказий Осиёда транспорт логистикаси масалаларига тўхталар экан, мустақилликка эришгандан сўнг минтақанинг барча республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам жаҳон товарлар ва хизматлар бозорига интеграциялашиш юзасидан фаол саъй-ҳаракатларни амалга ошираётганини қайд этди.

— Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистоннинг жуғрофий аҳамияти уни Осиё — Тинч океани минтақасидан Европа мамлакатларига ва аксинча бўлган йўналишларда товарлар ҳамда хизматларни етказиб бериш борасидаги стратегик транспорт-логистика марказига айлантирмоқда, — деди индонезиялик дипломат. — Шу маънода, Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ва мультимодал логистика марказларини яратиш бўйича олиб борилаётган катта ишлар бутун минтақа транспорт логистикасининг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашуви йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Миллатлараро ҳамжиҳатлик, эътиқодлараро бағрикенглик масалалари тўғрисида фикр юритар экан, Муҳаммад Асрухин Ўзбекистонда ҳукм сураётган миллатлараро бирдамлик муҳити давлатнинг изчил тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этишини алоҳида билдирди. "Ўз фуқаролари қалбида, айниқса, келажакка ишонч билан қараётган ҳамда жамият ва давлатнинг муҳим таянчига айланиб бораётган ёшларнинг юксак салоҳияти, уларда ўз кучига нисбатан ишонч туйғусининг ортиши туфайли Ўзбекистон улкан муваффақиятларга эриша олди", деб таъкидлади у.

Суҳбат чоғида элчи замонавий босқичдаги Ўзбекистон — Индонезия муносабатларига ҳамда уларнинг истиқболлари масаласига тўхталар экан, дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб келаётганини қайд этди.

— Статистика маълумотлари икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмида ижобий тенденциялар мавжуд эканлигидан далолат бераётир, — деди элчи. — Индонезиялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга бўлган интилиши, юртингиздаги шериклари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга нисбатан қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Индонезия ва Ўзбекистон савдо-иқтисодий муносабатлари бундан ҳам мустаҳкамланиб, янада кенгайиб боришига ишончим комил.

Ўзбек халқини Мустақилликнинг 22 йиллиги билан қутлар экан, Муҳаммад Асрухин, жумладан, шундай деди:

— Мен бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интиламан. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи билан яқин ҳамкорликда ишлаган ҳолда, халқларимизнинг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладиган иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун икки давлатнинг улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлида барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёрман.

**«Жаҳон» АА.**

---

# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда амнистия тўғрисидаги қарор ижроси якунлари, ушбу йўналишдаги ишларнинг ташкиллаштирилиши ва бажарилиши, бунга масъул ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда улар томонидан суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилгани, жумладан, амнистия тўғрисидаги қарор 68809 нафар шахсга нисбатан татбиқ этилиб, улардан 42649 нафари жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилингани, 26160 нафар шахсга нисбатан тайинланган жазолар қисқартирилгани ва 897 млн. сўм моддий ёрдам пули берилгани таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, мажлисда амнистияни қўллаш жараёнида ҳокимликлар ҳузуридаги махсус ҳудудий комиссиялар ва кўникма марказлари, суриштирув, дастлабки тергов, жазони ижро этиш, суд, суд ижро органлари ва ушбу масалага масъул бошқа идоралар фаолиятидаги хато ва камчиликлар танқид остига олиниб, уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш, олдини олиш ҳамда келажакда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда амнистия акти ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш, келгусида қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг тўла ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳамда унинг ижросига масъул бўлган идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув семинарларини ташкиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Республика идоралараро йиғилиш натижаларига кўра, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини амнистия актини қўллаш борасидаги фаолиятга тайёрлаш, бу борадаги қонунбузилиш ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастури ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

**Бош прокуратура**
**матбуот хизмати.**

---

# хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги нишонланаётган кунларда Музработ туманининг "Халқобод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 70 та янги тураржой калити эгаларига топширилиб, янги ҳовлиларда уй тўйлари ўтказилмоқда.*

## Байрам ҳовли тўйларига уланди

— Уйимиз табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминланган, — дейди янги хонадон соҳибаси Мавлуда Алланазарова. — Қисқаси, ҳамма шароитлар муҳайё. Биз ёш оилаларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз.

Туманда жорий йил охирига қадар яна 45 та замонавий уй қуриб битказилиши режалаштирилган.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Бухоро шаҳрида хорижлик инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпайди. Бу юртимизда чет эллик сармоядорларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун қулай шарт-шароит яратилгани натижасидир.*

## Қўшма корхоналар кўпаймоқда

Чунончи, яқинда иш бошлаган "Макс Фуд Групп" қўшма корхонаси ёғочни қайта ишлашга ихтисослаштирилган бўлиб, у Буюк Британиянинг "Эн Би Эс комплекс" компанияси томонидан тўғридан-тўғри киритилган 461,9 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя эвазига бунёд этилди.

Россиянинг "Голдинг каракул" масъулияти чекланган жамияти эса "Омега ФУРС" қўшма корхонасининг таъсисчиси бўлди. Бу корхонада мўйна ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Лойиҳани рўёбга чиқариш учун 150 минг доллар миқдорида сармоя сарфланди.

Айтиш ўринлики, айни пайтда Бухоро шаҳрида хорижий сармоялар иштирокидаги 37 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Жорий йилнинг дастлабки ярмида улар томонидан ишлаб чиқарилган ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 65,7 миллиард сўмни ташкил этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Ғаллаорол туманидаги "Алишер-савдо-инвест" масъулияти чекланган жамияти томонидан чиқиндини қайта ишлашга мўлжалланган лойиҳа рўёбга чиқарилди.*

## Дастлабки босқичдаги муваффақият

— Бунинг учун 1,3 миллиард сўмлик сармоя йўналтирдик, — дейди жамият раҳбари Бахтиёр Акрамов. — Пировардида автомобилларнинг яроқсиз шиналаридан резина гранулалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир мавжуд технологияларимиз ёрдамида йилига 3 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига эгамиз.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида сунъий спорт майдонлари учун устки қоплама, турли резина брусчаткалар ва гиламлар ҳамда резинадан тайёрланадиган ашёлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Булоқбоши туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Барлос ҳилоли" хусусий корхонасида айни пайтда кунига 12 турдаги, мингдан зиёд бежирим либослар тикилаётган бўлиб, унинг 40 фоизи экспорт қилинмоқда.*

## Қулай тадбиркорлик муҳити

Жамоанинг бозор талаблари асосида фаолият юритиши туфайли корхона муттасил ривожланди. Хусусан, ўтган саккиз йил давомида ишлаб чиқаришга энг замонавий технологиялар татбиқ этилди. Пировардида корхона ўз маҳсулотларини экспортга ҳам йўналтира бошлади.

Обод турмуш йилида чеварлар 100 миллион сўмлик кийим-кечакларни хориж бозорида сотишни ўз олдиларига мақсад қилганлар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Наманган туманидаги "Зиё нур Моҳидилбону" масъулияти чекланган жамияти томонидан фойдаланишга топширилган пишиқ ғишт тайёрлаш корхонасининг дастлабки маҳсулоти намунавий лойиҳалар асосидаги тураржойлар қурилишига етказиб берилди.*

## Илғор технология асосида

— Юртимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар чет эллик ҳамкоримизга маъқул тушди, — дейди лойиҳа ташаббускори Авазхон Самиев. — Шундан сўнг биргаликда киритган 312,2 минг АҚШ долларилик сармоямиз эвазига энг илғор технология харид қилиб, пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонада йилига 10 миллион донадан зиёд деворбоп материал тайёрлаш мумкин. Дастлабки босқичда маҳаллий ёшлардан 20 нафарини ишга қабул қилдик. Йил охирига қадар улар сафига яна 25 киши қўшилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Баркамол авлод — юрт келажаги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамизнинг турли ҳудудларида бу йил учинчи маротаба фаолияти йўлга қўйилган меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳордиқ чиқариш билан бирга, ўзларини қизиқтирган касб-ҳунар бўйича илк кўникмаларга эга бўлдилар. Маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган 59 та шу йўналишдаги оромгоҳда 15 дан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар дам олиш баробарида, ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтирилди.

Мавсум ичида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Хусусан, Болалар ижтимоий мослашув маркази билан ҳамкорликда "Қуёшли" оромгоҳида жисмоний имконияти чекланган болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари имтиёздан фойдаланди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ҳудудларда кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 600 нафар фарзанди соғломлаштирилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари орқали эса 70 минг нафардан ортиқ болага имтиёзли йўлланмалар берилди.

Айтиш жоизки, уларда болалар маънавиятини юксалтириш, жисмонан чиниқтиришга жиддий эътибор қаратилди. Бу борада оромгоҳларда йўлга қўйилган турли тўгараклар муҳим роль ўйнади. Масалан, шу йилдан бошлаб ушбу масканларда чет тилларини ўргатиш бўйича махсус тўгараклар иш олиб борди. Шуларга мос равишда кутубхоналар, спорт секциялари мунтазам ишлаб турди, 11 мингга яқин маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Айни чоғда "Шунқорлар", "Қувноқ стартлар" спорт мусобақалари, турнир ва спартакиадалар болаларнинг дам олиш онларини мазмунан бойитди.



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Форумда истиқболдаги устувор вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, оромгоҳлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўналишидаги ишларни изчил давом эттириш, бундай масканлар сонини ҳамда улар фаолияти сифатини ошириш, болалар қамровини кенгайтириш ҳамда оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2014 йилга мўлжалланган Манзилли дастурни шакллантириш юзасидан чора-тадбирлар кўрилаётгани таъкидланди. Хусусан, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги бир қатор оромгоҳларни таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тадбирда мавсумни намунали ташкил этиш ҳамда уюшқоқлик билан ўтказишга муносиб ҳисса қўшган ташкилотчилар, турли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар, ҳомийлар, ҳокимликлар вакиллари ҳамда мавзуни ёритишда фаол қатнашган оммавий ахборот воситалари ходимлари 14 та номинация бўйича Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи дипломлари, "Бахтиёр болалар мамлакати" статуэткаси ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

— Бизнинг оромгоҳда барча шарт-шароит яратилгани боис болалар мириқиб дам олишди, — дейди "Энг яхши оромгоҳ бошлиғи" номинацияси ғолиби, Тошкент вилоятидаги "Кимёгар" оромгоҳи директори О. Миралиева. — Камтарона меҳнатимиз юқори баҳоланиб, ғолиб бўлганимиздан мамнунмиз. Бу, албатта, келгусида янада кўпроқ меҳнат қилиш, ўз устимизда астойдил ишлашга ундайди. Болажонларимиз юртимизнинг келажаги экан, улар учун бор куч-ғайратимизни сарфласак, арзийди.

Форум доирасида оромгоҳлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотоальбом ва стендлар ҳамда болалар қўлида тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотларидан иборат кўргазма уюштирилди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

ИСЛОҲОТ

*Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат саноати тобора ривожланиб, аҳолига сифатли маҳсулотларни узлуксиз етказиб бериш йўлга қўйилган. Албатта, бу соҳа тараққиётига қаратилаётган юксак эътибор натижасидир.*

# Молиявий кўмак ва изчил юксалиш

Реклама ўрнида

Ҳақиқатан ҳам, ёғ-мой, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш, уларни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараси, айниқса, кейинги йилларда кўзга яққол ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 — 2013 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланиб, унда тармоқни равнақ топтиришнинг



асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бинобарин, ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2015 йилгача озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари ишлаб чиқарилишини кўпайтириш борасида кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилади.

Мазкур дастур асосида Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бизнинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Navruz International" корхонамиз ҳам тубдан модернизация қилиниб, рақобатдош, нуфузли ишлаб чиқариш субъектига айланди. Шу ўринда янгиланиш жараёни хусусида тўхталадиган бўлсак, аввало, "Ўзмиллийбанк"нинг бош амалиёт бўлимидан миннатдор эканлигимизни билдириш жоиз. Сабаби, ушбу молия муассасасига бизнес лойиҳамизни тақдим этганимиздан сўнг қисқа фурсатда, имтиёзли шартлар асосида бизга 2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Берилган маблағ эвазига ишлаб чиқаришга илғор технологияларни татбиқ қилдик. Хусусан, хориждан маҳсулотимизни халқаро стандартларга мос даражада тайёрлашга мўлжалланган замонавий ускуналар сотиб олдик. Натижада автоматлаштирилган линиялар ёрдамида соатига 6000 дона ПЭТ идишларини ишлаб чиқариш ва салқин ичимликларни қуйиш орқали сифатли маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, унинг электр энергия сарфи бўйича ҳам анча тежамкорлиги маҳсулотларимиз таннархини пасайтириб, ишчиларимиз меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қилаяпти.

Албатта, буларнинг барчаси корхонамизни изчил ривожлантиришда айни муддао бўлмоқда. Ҳозирги кунда жамоамиз томонидан тайёрланаётган "Montella" ичимлик сувлари, "Libella" ва "Aqua" каби газланган сувлар, "Ekzo" ва "Айс" шарбатлари ҳамда салқин чой маҳсулотлари, шунингдек, "Хлебный Дар", "Царский квас" маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорларга ҳам етказиб берилаётир. Қувонарлиси, корхонамизда амалга оширилган бу каби модернизациялаштириш тадбирлари туфайли 80 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Мухтасар айтганда, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислоҳотлар, шубҳасиз, аҳоли фаровонлигини таъминлашга, ҳаёт тарзини янада яхшилашга хизмат қилади. Айниқса, тижорат банклари томонидан биз, ишбилармонларга кўрсатилаётган моддий кўмак эса бу борадаги муваффақиятларга эришишимизда, шу билан бирга, фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

**Ҳулкар РУСТАМОВА,**
**МЧЖ шаклидаги «Navruz International» қўшма корхонаси директори.**


● Реклама ва эълонлар ●

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти

**2014 йили катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

Катта илмий ходимлар-изланувчилар лавозимига 2 та квота ўрин ажратилган.

Талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддатлари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхати қуйидагилардан иборат.

**1.** Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

**2.** Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар олий таълим муассасаси ва илмий тадқиқот муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилганига қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги. Бунда тавсия этилган мавзулар базасидан танлаб олинган мавзу бўйича, қоидага кўра, ушбу низомнинг 8-бандига мувофиқ, мазкур мавзуни таклиф этган етакчи олим илмий консультант бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**3.** Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Кириш имтиҳонлари саволлари қабул комиссияси томонидан мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиқиб тузилади ва улар олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий тадқиқот муассасаси илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинадилар.

**4.** Кириш имтиҳонлари 2013 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

*Танлов муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун.*

**Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 138-уй.**

1530А/837

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

*ўтказилган тендер савдоларидан иқтисод қилинган маблағларга қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий тиббий буюмларни марказлаштирилган ҳолда сотиб олишга тендер савдолари эълон қилади.*

Танловда талабгорларга қўйилган шартларни бажарган, харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин. Мамлакатимиз корхоналари — ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади. Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади. Тендер иштирокчилари таклифлари ва ташкилотнинг квалификацион ҳужжатлари ишчи гуруҳ томонидан 2013 йил 28 сентябрь соат 16.00 гача қабул қилинади.

**Танлов комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:**

**Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,**
130000, Қарши шаҳри, Хонобод катта йўли, 28-уй.
Телефон: (8-375) 223-01-60.
Факс: (8-375) 223-03-65.
E-mail: qashqadaryo.ssb@minzdrav.uz
**Республика Молия вазирлиги ғазначилиги,**
ғазна ҳ/р: 23402000300100001010.
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҲККМ, МФО: 00014, СТИР: 201122919,
Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ш/ҳ: 400121860104017950100054007,
СТИР: 202445998, ОКОНХ: 97400.

**Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 100 000 сўм.**

1540А/862

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 11-1024/27010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қишлоқхўжаликкимё» Юқори Чирчиқ туманлараро филиалига тегишли, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Ўртасарой» ҚФЙ, Ўртасарой маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,2826 гектар, қурилиш майдони 821,20 кв.м. бўлган бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 132 709 347 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 27 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

1535R/1453

*Лицензия: RR-0001.*




# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Жорий йилнинг июль ойида Грецияда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоизга қисқарди. Бу сўнгги 16 ой давомидаги энг кескин пасайиш ҳолати, деб баҳоланмоқда.*

## Пасайиш давом этмоқда

"Евроньюс" телеканали хабарида айтилишича, ёз фаслида маҳаллий аҳоли вакиллари тежамкорликка алоҳида эътибор қаратишган. Хусусан, кондиционерлардан нисбатан камроқ фойдаланганлар. Талабнинг сусайиши натижасида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоизга камайиб кетган. Шу билан бирга, мамлакатда дефляция жараёни ҳам давом этаяпти.

Ҳукумат келаси йил охирига бориб, Греция рецессиядан чиқишига умид қилмоқда. Ваҳолонки, мамлакат иқтисодиётида олти йилдан буён пасайиш давом этаётир. Масалан, 2013 йил якунида ҳам ЯИМ ҳажмининг 4,2 фоизга қисқариши кутилаяпти. Шунга қарамай, Европа Иттифоқи йиғилишларида Афинага яна молиявий ёрдам кўрсатиш масаласи тез-тез кун тартибидан ўрин олмоқда.

## Тилла ўғрилари

*Париждаги заргарлик дўконидан қиймати икки миллион еврога тенг бўлган турли тақинчоқлар ва соатлар ўғирлаб кетилди.*




Манбада айтилишича, жиноятчилар тўрт нафар бўлган. Улар бинони машина билан бузиб кириб, витринага қўйилган буюмларни ўмаришган. Шундан сўнг ўғрилар ўз автомобилларини ёқиб юбориб, бошқа бир автоулов ёрдамида қочиб қолишган.

Францияда бундай жиноятлар вақти-вақти билан содир бўлиб туради. Масалан, яқинда Канн шаҳридаги "Carlton" меҳмонхонасида ташкил этилган заргарлик буюмлари кўргазмасидан қиймати 103 миллион долларлик зеб-зийнатлар ўмариб кетилганди.

## Бир жойдан икки даъвогар

*2024 йилги ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказишга Италиянинг Рим шаҳри даъвогарлик қилади.*

Бу ҳақда мамлакат бош вазири Энрико Летта айтиб ўтган. У 2020 йилда бўладиган худди шундай нуфузли мусобақа мезбонлиги Япониянинг Токио шаҳрига берилгандан сўнг ушбу фикрга келган. Яъни Италияда ҳам Олимпиадани намунали ташкил этиш имконияти мавжудлиги таъкидланмоқда. Ҳукумат раҳбарининг ташаббусини Рим шаҳри мэри Игнацио Марино ҳам қўллаб-қувватлаган.

Қизиқ жиҳати, мазкур хабар тарқалиши биланоқ Милан шаҳри маъмуриятида ҳам мусобақани ўтказишга қизиқиш пайдо бўлган.

## Автобус ҳалокатга учради

*Гватемалада йўловчиларни олиб кетаётган автобус 75 метр баландликдан пастга қулаб тушди.*



Бу ҳақда "AFP" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Воқеа мамлакат жанубидаги Чимальтенанго департаментида рўй берган. Оқибатда 43 киши ҳаётдан кўз юмган, 40 киши жиддий жароҳатланган.

Дастлабки тахминларга кўра, фожиага ҳайдовчининг тезликни ҳаддан зиёд ошириб юборгани сабаб бўлган. Автобусни тўхтатишга уринган вақтида эса тормоз тизими панд берган. Боз устига, жамоат транспорти салонига меъёрдан кўп йўловчи олинган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


МАГАЗИН-САЛОН УМНЫЙ ДОМ



*Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.*

**IP камеры: Dahua, GeoVision, Hikvision для цифровых систем видеонаблюдения**

Товар сертифицирован

**Setko**
System Integration. Security

**БИОМЕТРИЧЕСКИЕ И КАРТОЧНЫЕ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ ДОСТУПОМ**

- Обеспечение пропускного режима
- Контроль и учет рабочего времени
- До 30 000 пользователей на систему
- Категоризация доступа в помещения
- Широкий ценовой диапазон

1541R/1578

238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz


"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши компания ахборот хизмати бошлиғи, "Темирйўлчи" газетаси бош муҳаррири

**Сувонқул РУСТАМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ФЕСТИВАЛЬ

*Хоразм вилоятида "Камолот" ЁИҲ томонидан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.*



# Ёшларни бирлаштирган акция

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу ёшлар акцияси 12 та лойиҳани ўз ичига қамраб олган бўлиб, унинг доирасида уюштирилган тадбирларда депутатлар, ёш олимлар, маданият ва санъат арбоблари, кино, театр актёрлари, таниқли спортчилардан иборат тарғибот гуруҳлари ҳам фаол қатнашдилар.

Хусусан, жойларда "Оммавий тахдидлар ва ёшлар маънавияти", "Депутатлар ва ёшлар", "Сиз севган қаҳрамонлар", "Замонамиз қаҳрамонлари", "Истиқлол истеъдодлари" мавзуларида ижодий учрашувлар, "Президент асарлари билимдони", "Камолот" билимдонлари" кўрик-танловлари, "Виждонли сотувчи" акцияларида 60 мингдан зиёд янги авлод вакиллари иштирок этди.

Ёшлар фестивали яна бир муҳим воқеа — Урганч шаҳридаги "Ёшлар кўли" дам олиш масканининг очилиш маросимига уланиб кетди. Айтиш керакки, ушбу сўлим "Ёшлар кўли" дам олиш масканининг умумий майдони 15,5 гектардан иборат бўлиб, махсус меъморий лойиҳа асосида бунёд этилди. Бу ерда Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимиздаги тарихий обидалар — Регистон майдони, Минораи калон, Калтаминор ва бошқа ёдгорликларнинг макеталари ўрнатилган. Шу билан бирга, масканда 14 турдаги аттракционлар, оталар чойхонаси, иккита кема-кафе, шахмат клуби ва бошқа объектлар фаолият кўрсатмоқда. Қисқача айтганда, бу ерда умумий қиймати 12 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилди.

"Ёшлар кўли" дам олиш масканининг тантанали очилиш маросими доирасида ёшлар сайли ҳам ўтказилди. Таниқли хонандалар иштирокидаги гала-концерт эса тадбирга ўзгача руҳ ва кўтаринкилик бағишлади.

"Ёшлар кўли" дам олиш масканининг очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими П. Бобожонов иштирок этди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

*Пойтахтимизда "Осиёда Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.*

*Осиё Паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Паралимпия ассоциацияси ва бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда қитъамиздаги 23 давлатдан вакиллар ҳамда 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказиладиган Параосиё ўйинлари ташкилий қўмитаси аъзолари қатнашди.*




# Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш истиқболлари

Бундай нуфузли халқаро тадбирнинг Тошкентда ўтказилгани бежиз эмас. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида жуда катта ҳамжда, таъбир жоиз бўлса, ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган ишлар амалга оширилаётир. Шаҳар ва қишлоқларда бири-биридан чиройли, бугунги замон талабларига жавоб берадиган спорт объектлари сони йилдан-йилга кўпайиб, уларда маҳоратини оширган йигит-қизлар юрт шаънини халқаро миқёсда муносиб ҳимоя қилишаяпти.

Жаҳон спорт жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланаётган муҳим жихатлардан бири, мамлакатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларни спортга жалб этиш, уларни моддий ҳамда маънавий жихатдан қўллаб-қувватлаш, ҳаётда фаол бўлишга кўмаклашиш борасида ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бундай улкан эътибор туфайли, масалан, айни пайтда Ўзбекистонда ўн минг нафардан ортиқ ногирон ва жисмоний имконияти чекланган кишилар спорт билан шуғулланаяпти. Улар орасида турли халқаро мусобақаларда қатнашаётганлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бунга мисол тариқасида 2012 йили Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган XIV Паралимпия ўйинларини келтириш мумкин. Мазкур спорт анжуманининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 10 нафар ўзбекистонлик атлет спортнинг дзюдо, сузиш, пауэрлифтинг, енгил атлетика каби турлари бўйича беллашувларда қатнашди. Дзюдочи Шариф Халилов кумуш медалга сазовор бўлди. Сузиш бахсларида ўз омадини синаб кўрган Кирилл Паньков эса XIV ёзги Паралимпия ўйинларида икки бор Осиё рекордини ўрнатди. Енгил атлетика бўйича ташкил этилган мусобақаларда Хусниддин Норбеков диск улоқтиришда 52 метру 5 сантиметр натижа қайд этиб, тўртинчи ўринни эгаллади. Донийёр Солиев ва Миран Саҳатов уч ҳатлаб сакраш баҳсларида, Иван Панифидин, Равил Диганшин, Хусниддин Норбеков ядро улоқтириш бўйича финал беллашувларида қатнашди. 100 метрга югуришда Муяссар Иброҳимова ярим финалга қадар етиб борди.

Яқинда Франциянинг Лион шаҳрида енгил атлетика бўйича жисмоний имконияти чекланган ва ногирон спортчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида эса уч ҳатлаб сакраш баҳсларида Донийёр Солиев 15,06 метр натижа кўрсатиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Эътиборга молик жиҳати, Донийёр бу орқали нафақат ўзининг шахсий рекордини янгилашга, балки 2012 йили Лондон шаҳрида ўтказилган Паралимпия ўйинларининг олтин медалини қўлга киритган озарбайжонлик Олег Панютиннинг натижаси(15,02 м.)дан ҳам юқори кўрсаткични қайд этишга муваффақ бўлди.

Жаҳон чемпионати дастуридаги диск улоқтириш ҳамда уч ҳатлаб сакраш беллашувларида Ўзбекистон вакилларидан Хусниддин Норбеков ва Фаррух Мирзақулов кучли бешликдан жой олди.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ютуқларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки мазкур ҳужжатга мувофиқ, спортчиларнинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш, тажриба ва маҳоратини ошириш, нуфузли халқаро мусобақаларга тайёрланиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Осиё Паралимпия қўмитаси ана шуларни эътиборга олиб, халқаро конференцияни Ўзбекистонда ташкил этиш ҳар жиҳатдан маъқул, деган қарорга келди. Бу мамлакатимизнинг халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга эканидан яна бир далолатдир.

Шу ўринда маълумот сифатида айтиб ўтамиз, Осиё Паралимпия қўмитаси 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, айни пайтда унга 45 давлат аъзо. Унинг бешта минтақавий — Ғарбий Осиё, Марказий Осиё, Жанубий Осиё, Шарқий Осиё ҳамда Жануби-Шарқий Осиё Ижроия қўмиталари мавжуд. Ташкилот қароргоҳи Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган. Қўмитанинг амалдаги президенти Дато Зайнал Абу Зарин.

Халқаро конференцияда 2020 йилга қадар Осиё Паралимпия ҳаракатини мақсадли йўналтириш дастури асосида ривожлантириш, спортни равнақ топтириш бўйича йўналишлар, дастур ва амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш, давлатлар ва ҳудудлар ўртасида ногиронлар спортини тараққий эттириш борасида фикр-мулоҳазалар алмашиниш йўлга қўйиш, паралимпия спортчилари ҳамда спорт турларини қўллаб-қувватлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Тадбирнинг дастлабки иш куни доирасида Осиё Паралимпия қўмитаси президенти Дато Зайнал Абу Зарин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Паралимпия ривожига қўшаётган беқиёс ҳиссаси учун Осиё Паралимпия қўмитасининг ордени билан мукофотланганини эълон қилди.

Халқаро анжуманда 2020 йилга мўлжалланган Осиё Паралимпия ҳаракати дастурини ривожлантириш, унинг ижросини таъминлаш вазифалари муҳокама қилинди, Осиё Паралимпия ҳаракатининг 2020 йилгача мўлжалланган Тошкент декларацияси кўриб чиқилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Аҳоли учун малакали хизмат

*Поп шаҳрида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган маиший хизмат кўрсатиш маркази фойдаланишга топширилди.*

ҚУЛАЙЛИК

"Алском" суғурта компанияси буюртмаси билан қад ростлаган ушбу иншоотнинг лойиҳа қиймати 400 миллион сўмга тенг бўлиб, бу ерда тикувчилик цехи, гўзаллик салони, компьютер хизмати, сартарошхона сингари ўндан ортиқ шохобчалар мавжуд. Улар тўла фойдаланишга топширилгач, 20 нафардан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Айни пайтда вилоятдаги яна 6 та туман марказида шундай иншоотлар қурилиши ниҳоясига етказилди. Яқин кунлар ичида фаолиятини бошлайдиган мазкур замонавий хизмат марказларида, асосан, маиший хизмат ва сервис йўналишидаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ишга жойлашадилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БОЛАЛАР СПОРТИ

*Болаларни боғча ёшиданоқ жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш баркамол авлод тарбиясидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Бу борада юртимиздаги мактабгача тарбия ва спорт муассасаларида барча шарт-шароит яратилиб, 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган ўғил-қизларни спортга ошно қилиш бўйича махсус дастур ҳамда қўлланмалар ишлаб чиқилган. Айниқса, мазкур жараёнда "Болажон" таянч дастурининг аҳамияти ва самараси беқиёс.*



# Камолот остонаси

Гулистон шаҳридаги 10-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари Фотима ва Зухра Солиевалар ушбу даргоҳ туфайли боғчада яна бир севимли машғулот билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. "Алпомиш" спорт мажмуасининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи Нияра Джемиловани боғчага келадиган кунлари улар учун байрамга айланади. Боиси, эгизак қизалоқлар спортнинг бу нафис турини жуда ёқтириб қолишган. Дарвоқе, бу ерда 20 нафар тарбияланувчи бадиий гимнастика машғулотларида қатнашади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳ хоналарида "Спорт бурчаги", боғча ҳудудида эса очиқ спорт майдончаси ва кичик бассейнлар ҳам мавжуд.

Эътиборли жиҳати, вилоятда спортсевар ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Жумладан, Гулистон туманидаги 2, 12, Мирзаобод туманидаги 3, Янгиер шаҳридаги 6-мактабгача таълим муассасаларида ва яна бошқа ўнлаб боғчаларда кичкинтойларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча қулайлик яратилган.

— "Болажон" дастури доирасида мактабгача таълим муассасаларидаги 173 та гуруҳда спорт тўгараклари ташкил этилмиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси услубият маркази мутахассиси Гулбаҳор Парпиева. — Бошқача айтганда, ҳозирги кунда 1400 нафарга яқин тарбияланувчимиз спортнинг бирор тури билан шуғулланишга жалб қилинган. Бирgina бадиий гимнастика тўгараклари фаолияти биринчи босқичда 14 та боғчада йўлга қўйилган бўлса, иккинчи босқичда бу кўрсаткич 53 тага етди. Айни пайтда тарбия масканларида футбол, миллий кураш, шахмат, шашка сингари спорт турлари бўйича тўгараклар иш олиб бормоқда.

— Қизим Лобар туманимиздаги 3-мактабгача тарбия масканида бадиий гимнастика билан шуғулланади, — дейди боёвутлик Дилфуза Бобохонова. — Спорт машғулотлари боланинг соғлом ва зеҳнли бўлишида жуда фойдали эканлигини шу қизим мисолида кўраяпман. Ҳали гўдак бўлса-да, ўрганаётганларини тез ўзлаштиради.

Айтиш лозимки, кичкинтойларни спортга янада кенгроқ жалб этишда "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз", "Соғломжон — полвонжон" каби ўзига хос мусобақаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Масалан, "Соғломжон — полвонжон" деб номланган жажжилар беллашувида вилоят бўйича жами 2100 нафар боғча тарбияланувчиси қатнашганлиги бу спорт тадбирларининг нечоғли самарали эканлигини кўрсатади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Эзгуликка ундовчи суратлар

*Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида бухоролик рассомлар ижодига бағишланган кўргазма очилди.*

КЎРГАЗМА

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихорим сен, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган ушбу кўргазмада таниқли мўйқалам усталари Зелимхон Саидҗонов, Музаффар Абдуллаев, Эркин Жўраев ва Фарҳод Раззоқовнинг энг сара асарлари намойиш қилинмоқда.

Озод ва обод Ватан чиройи, гўзал ҳамда мафтункор табиатини тараннум этиш ижодкорга бемисл илҳом бағишлаши, шубҳасиз. Кўргазма экспозициясидан жой олган ва турли жанрларда яратилган асарларни томоша қиларкансиз, Ватаннинг буюклиги, инсоннинг ғаниматлиги, оиланинг муқаддаслиги, умримизнинг ўтаётган ҳар лаҳзасини эзгуликка бахшида этишимиз лозимлигини яна бир бор англагандай бўласиз.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# Узумнинг ғўраси ҳам фойдали

*XVI асрда яшаб, ижод қилган шоир ва табиб Ҳаким Давоий ал-Гилоний узумга "Мевалар нақши" деб таъриф берган. Чиндан ҳам узум нафақат хушхўр мева, балки юрак-қон томир, сурункали нефрит, сил, камқонлик, зиқнафаслик, жигар хасталигида, шунингдек, моддалар алмашинуви бузилганида яхши наф беради.*

Айниқса, буйрак, қовуқ, ичак оғригидан фориғ этиш, пешоб ва сафро ҳайдаш хусусиятига эга. Унинг шираси танани мустаҳкамлаб, кўнгил айнишини бартараф этади. Паришонхотирлик, туз тўпланишининг олдини олишда ҳам узум истеъмол қилиш тавсия этилади. Юқори нафас йўллари шамоллаганлар узум қайнатмасини ичса, балғам кўчиши осонлаштирилади. Бунинг учун янги узилган узум 1:2 нисбатида сувда 10 дақиқа қайнатилади. У ярим стакандан кунига 3-4 марта ичилади.

Буни қаранки, узумнинг ғўраси ҳам фойдали экан: у сафрони чиқаради, чанқоқни босади, ич кетишини тўхтатади, меъда (ошқозон), жигарга қувват бағишлайди. Барги эса томоқ шамоллаганда наф беради.

Бундан ташқари, турли яра ва жароҳатларни даволашда ҳам қўл келади.

Токнинг ёш баргларини ва новдалари гипертония ҳамда қандли диабетни даволашда айни муддао. Бунинг учун, аввало, унинг барги ва новдалари йиғилиб, салқин жойда қуритилади. Сўнгра 50 грамм ток барги 0,5 литр қайноқ сувга солиниб, паст оловда 10 — 15 дақиқа қайнатилгач, сузилади. У ярим стакандан кунига 3 махал таомдан олдин ичилади.

Ўлкамизда ҳозир айни пишиқчилик фасли. Ўзингизни янада кучли ва бардам ҳис этмоқчи бўлсангиз, кўпроқ узум тановул қилинг. Шуни ёдда тутингки, узум сархил ҳолида ейилса, янада фойдалидир.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-6786

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5